



ЁШЛАР БИЛАН МАНЗИЛЛИ ВА ТИЗИМЛИ ИШЛАШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд. Бу — аҳолининг қарийб 55 фоизини ташкил этади. Замон талабларини илғаш ва амалга ошириш, соҳа ва тармоқларни олға бошлашда бу жуда катта таянч, бебаҳо хазинадир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшлари форуми ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёш авлод манфаатларига қаратилган муҳим ғоя ва ташаббусларни илгари сурган эди. 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилинди.

Йиғилишда форум ва Мурожаатномада айtilган тақлифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

— Ёшлар бўйича мутасаддилар, ҳокимларнинг ёшлар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар бўлими раҳбари ўринбосарлари бор. Пастда тизим яратилган. Лекин, минг афсус, биз кутган натижа бўлмагани учун мана шундай тизим қиляпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент бу ишлар иккита муҳим йўналишда ташкил қилиниши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Биринчиси — ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўлса, иккинчиси — ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир.

Бугунги кунда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани қайд этилди. Шу борадаги масалаларни тизимли ҳал этиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи жойларда ўғил-қизларнинг тақлифларини “маҳаллабай” ўрганмоқда. Бу ўрганишлар ёшларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, улар учун кредит ажратишда халигача қўллаб-қувватлаш орқали қўлаётганини кўрсатмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам қўллаб-қувватлаш бор. Ақсарият маданият марказлари, истироҳат боғлари ва спорт комплексларининг моддий-техник базаси қўнқарсиз, тўғараклар номига ишляпти.

Йиғилишда бу муаммоларни манзилли ҳал этиш учун ҳар бир туман ва шаҳар кесимидаги устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди. Унга мувофиқ, ҳокимнинг иқтисодиёт, инвестициялар ва қишлоқ ҳўжалиги бўйича ўринбосарлари — бандлик масалаларига;

солиқ идораси, савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбарлари — ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга; ҳокимнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга;

туман прокурори, ички ишлар ва муҳофаа бўлими бошлиқлари — уюшмаган ёшлар билан ишлаш, жиноятчилиكنи жинловлаш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга масъул бўлади.

Жорий йилда 500 минг нафар ёшни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш зарурлиги таъкидланди. Туман ва шаҳарларда анъанавий ёки масофавий ўқув курсларини қўлайтириш, ишсиз ёшларни ушбу тизим орқали касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиб, бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

— Бир миллион сўм берсак ҳам, 10 миллион берсак ҳам, фақат ўқитиш керак. Бутун дунёда аввал ўқитмасдан пул бермайди, — дея таъкидлади давлат раҳбари.

“Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-хунар коллежларини асбоб-ускуна билан таъминлаш, касб стандартларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчилар малакасини ошириш вазифалари белгиланди. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкининг 93 миллион доллар кредитини жалб этиш мўлжалланган.

“Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ўғил-қизларни тадбиркорларга бириктириб, уларда бизнес қўнқималарини шакллантириш, имтиёзли кредитлар ажратиб, ўз фаолиятини бошлашга қўмаклашиш зарурлиги айtilди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жойларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш омилларидан бири уларни талаб этилаётган касб бўйича ихтисослаштиришдир. Йиғилишда шу пайтгача ишсиз аҳоли ва бўш иш ўринлари ўзаро уйғунликда қўриб чиқилмагани танқид қилинди.

Масалан, Тошкент шаҳрида 26 минг ёш ишсиз. Айни пайтда бу ерда 77 мингта вакант бор, шундан 45 мингтасига олий маълумот талаб этилмайди. Давлатимиз раҳбари ёшларни касбга ўқитиш орқали малака тоифасини бериб, шундай вакант ўринларга жойлаштириш мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш

ва тадбиркорлиқни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, дипломи йўқ, лекин амалий қўнқимаси бўлган ишсиз ёшларни малакани баҳолаш марказларида ўқитиб, сертификат бериш тизими жорий этилди.

Шундан келиб чиқиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига “Ишга марҳамат” мономарказларида, шунингдек, қатор олий таълим муассасалари ва йирик санот тармоқларида малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу орқали жорий йилнинг ўзига 30 минг йигит-қизга малака сертификати бериб, уларнинг бандлигини таъминлаш мумкинлиги айtilди.

Тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшларнинг мини-технология ва ускуналар харид қилиши учун субсидия ажратиш, кредит олишда суғурта тўлови бўйича қўмаклашиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бандлиқни таъминлашда энг катта заҳиралардан бири деҳқончилик қилиш учун ер ажратишдир. Лекин, ўтган йили бу борада мурожаат қилган 14 минг нафар ёшдан атити 3 мингига ер берилган, холос.

Бош вазир ўринбосарига жойларда ҳар 10 гектар экин еридан 1 гектарини ёшларнинг деҳқончилик учун ажратиш тартибин жорий этиш вазифаси топширилди. Шунингдек, қудуқлар қазиб, заҳира ерларни ёшларга фойдаланиш учун бериш, томорқада лимончилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик қилишлари учун кредитлар ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қўбиятичини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Муסיқа ва санъат мактаблари, маданият марказлари, музейлар қуриш ҳамда таъмирлаш орқали уларда ёшлар қамровини 30 фоизга етказиш мақсади белгиланди. Бунга, жорий йилда бюджетдан 150 миллиард сўм ажратилади.

Чекка ҳудудлардаги мактабларда намунавий тўғараклар ташкил этиш, ёшларни аждодларимизнинг бой маданий мероси билан яқиндан таништириш, улар ўртасида ички туризмни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиб, спорт билан шугулланувчи аҳоли сонини 25 фоизга, ёшлар қамровини 20 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Боалар боғчаси ва мактабларни спорт анжомлари билан жиҳозлаш учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилган.

Мутасадди вазирликларга мактабларда 20 мингта спорт тўғарагини ташкил этиш, спорт федерацияларини, халқаро мусобақалар голибларини мактабларга бириктириб, ёшларни профессионал спортга жалб қилиш юзасидан вазифалар қўйилди.

Ҳозирги ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқиши юқори. Ўтган йили IT-паркнинг 5 та филиали ва Рақамли технологиялар ўқув марказларида 10 мингдан ортиқ ёшлар сабоқ олган.

Бу қамровни кенгайтириш мақсадида ҳар бир туманда камида биттадан мактабда IT-тўғараги очил, яна 100 та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этиб, 20 минг йигит-қизни дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорликка ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда ёшларнинг ижтимоий масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда 129 та олий ўқув юртида 500 мингдан ортиқ талаба ўқиётгани, лекин улар ётоқхона билан етарлича таъминланмагани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга талабалар уйлариини қўлайтириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларнинг ташаббус ва инициативаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳасини илгари сурди. Лойиҳа доирасида шаҳар ва қишлоқлардаги ташаббускор ёшларнинг иқтисодиёт, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари каби соҳалардаги ғояларини рўйбга чиқариш учун шароит яратилади.

Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят ва туман ходимлари ойлик маошини ошириш бўйича ҳам тақлиф билдирилди.

Бундан буён вилоят, шаҳар ва туман сектор раҳбарлари маҳаллий матбуот ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларнинг муаммо ва масалалари юзасидан қилган ишлари тўғрисида аҳолига ҳисобот бериб бориши белгиланди. Ёшлар бандлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатган тадбиркорлар, ташкилотчи ва раҳбарлар рағбатлантирилиши таъкидланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимлар белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш бўйича ахборот берди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ОНЛАЙН–САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин олий даражада илгари эришилган келишувларга мувофиқ 28 январь куни видеоконференция шаклида учрашув ўтказадилар.

Музокаралар кун тартибидан икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини, минтақавий ҳамкорлик ва мамлакатларимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги шериклигини ривожлантиришга доир долзарб масалалар ўрин олган.

Ўзбекистон ва Корея етакчилари сиёсий мулоқотнинг бугунги ҳолати ва уни мустаҳкамлаш истиқболларини, савдо, инвестициялар, инновациялар, саноат ва энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданий алмашинув соҳа-

ларида аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалаларини таҳлил қиладилар.

Булажак мулоқотлар ва қўшма тадбирлар режаси ҳам қўриб чиқилди.

Саммит якунида рақамли технологиялар, лойиҳалаштириш фаолияти, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим йўналишларда янги ташаббусларни илгари суриш кўзда тутилган қатор ҳўжатлар имзолалини режалаштирилмоқда.

ЎЗА



Ўзбекистон — Жанубий Корея:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги серқирра ҳамкорлик изчиллик руҳи ва кенг қўламли иқтисодий мазмун–моҳияти билан ажралиб туради. 1992 йил 29 январь куни икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён 16 марта олий даражадаги таширлар амалга оширилди.

Давоми 3-бетда



“New Delhi Times”:

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА

Ҳиндистоннинг етакчи газеталаридан бири — “New Delhi Times” веб-саҳифасида бош муҳаррир Анкит Шриваставанин “Шавкат Мирзиёев Президентлик даври Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди” сарлавхали мақоласи чоп этилди.

Муаллиф мақолада Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайлангандан бери мамлакат нафақат мислсиз кенг қамровли ривожланиш даврини бошдан кечираётгани, балки Марказий Осиёда етакчи кучга айланиб, халқаро майдонда ўз мавқеини мустаҳкамлаганини, демократияни ривожлантириш ҳамда иқтисодий ўсишга қаратилган изчил ва дадил қарорларни қабул қилганини таъкидлаган.

Нашр Ўзбекистон раҳбарининг қарашлари унинг “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган сўзларида аниқ ўз ифодасини топганига эътибор қаратган.

“Ўзбекистон Президентининг иқтисодий ислохотлари ижобий натижалар бермоқда. COVID-19 пандемияси жаҳон иқтисодиётига жиддий таъсир қилган бўлса-да, мамлакатда ижобий ўсиш суръатлари кузатилди, — дея таъкидлади Анкит Шривастава. — 2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг реал ўсиши 0,2 фоизни ташкил этди. Жаҳон банки Ўзбекистонда ЯИМ ўсиши 2021 йилда 4,3 фоиз ва 2022 йилда 4,5 фоизни ташкил этишини тахмин қилмоқда”.

Газетада ёзилишича, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги мавқеини юксалтирди. COVID-19 пандемияси пайтида у инфек-

ция тарқалишига қарши курашиш бўйича қўшма тадбирларни ишлаб чиқишда пешқадамлик қилди. Ўзбекистон Қирғизистон ва Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

Муаллиф Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришга содиқлигини таъкидлаган. Давлат раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очилини тақлиф қилди, деб қайд этади.

Мақолада Ўзбекистон Президенти, шунингдек, БМТнинг Глобал антитеррор стратегияси доирасидаги Минтақавий қўшма режанин 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференция ўтказиши қўллаб-қувватлаши ҳақида маълум қилинган.

Ўзбекистоннинг ушбу тақлиф ва ташаббуслари нафақат Марказий Осиё давлатлари иқтисодий, минтақавий мавқеини, балки хавфсизлигини ҳам мустаҳкамлайди.

“Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигидаги мавқеи халқаро даражада мустаҳкамланиб бормоқда”, деб хулоса қиладиган газета бош муҳаррири.

Дехли

“Дунё” АА,

МУНОСАБАТ

АНИҚ РЕЖАЛАР ЙЎЛЛАРИМИЗНИ РАВОНЛАШТИРАДИ



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Юрт тараққиётини ҳал қилувчи кучлардан бири таълим, илм ва маърифатдир. Шу жиҳатдан Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани, фантазия тизимида янгича, келажак авлод ҳаётини зиё билан ёритувчи ислохотлар қўллаётгани бизни қувонтирди.

Хусусан, 2020 йилда олий таълим қамрови 9 фоиздан 25 фоизга кўтарилгани, эҳтиёжманд оилаларнинг мингта яқин қизлари илк бор олий ўқув юртига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилингани бу борада бошлангич қадамдир.

Мурожаатномада таъкидланганидек, 2021 йилда мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида ёшларни қамраб олиш 65 фоизга етказилиши бу борадаги ислохотларни янада кучайтиради, албатта. Бинобарин, таълимга эътибор ўз вақтида олиб борилганига қутилган натижаларга



эришиш имконияти туғилади. Бошқача айтганда, пойдевор пишқ бўлса, иморат мустаҳкам қад кўтарди.

Олий таълимга давлат гранти асосида қабул квотаси 25 фоизга етказилиши том маънода қўнқилиқ учун хушхабар бўл-

ди. Эҳтиёжманд оилаларнинг қизларини грант асосида олий таълим муассасасига қабул қилиш 2 баробарга оширилиб, қабул квотаси 2 000 тага етказилиши, “аъло” баҳоларга ўқийдиган қизлар учун алоҳида стипендиялар жорий этилиши юртимиз

ёшларини руҳлантиради, ғайратларига ғайрат қўшади.

Давоми 2-бетда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР 2020 ЙИЛ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2021 йил 27 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг 2020 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини муҳокама қилдилар.

Халқ вакиллари таъкидлаганидек, коронавирус пандемияси жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнларини сусайтирди, аввалдан тузилган қатори истиқболли режаларни ўзгартиришга мажбур қилди.

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг жиддий йўқотишларсиз ишлашини таъминлаш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса, ўз навбатида, пандемия оқибатларини юмшатиш ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги ўсиш суръатлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга имкон яратди.

Оғир кечган ўтган йилги ҳисобот даврида депутатлар ҳам пандемия шароитида юзага келган вазиятни ўнглашга қаратилган чора-тадбирларнинг жойларда ижро этилишига кўмаклашиш мақсадида ўз фаолиятларини бир кун ҳам тўхтатмай, ҳудудларда мунтазам бўлиб, мавжуд муаммоларни қўқур таҳлил қилган ҳолда уларни жойида ҳал қилиш чораларини кўрдилар.

Парламентга Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботда келтириб ўтилганидек, коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида 2020 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2019 йилга нисбатан 101,6 фоизни, шундан, саноат — 100,7, хизматлар — 102,3, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги — 103,0 фоизни ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 9,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi хорижий инвестициялар, шу жумладан, 7,0 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг 2,8 миллиард доллар маблағлари ўзлаштирилган.

2020 йилда ялпи экспорт ҳажми 15,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимиз ҳудудларида 2,7 мингта яқин янги корхона экспорт фаолиятига жалб қилинган, 210 та янги турдаги маҳсулотлар ҳамда айрим товар позициялари бўйича 40 та янги давлатнинг бозорларига чиқишга эришилган.

Ҳисоботда Давлат дастури ижросини таъминлашда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларига устуворлик берилгани қайд этилди. Хусусан, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, хотин-қизлар, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, туризм соҳаларини такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишлар рўёбга чиқарилган.

Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида 2020 йилда республика бўйича жами 378,1 мингта янги иш ўрни ташкил этилган. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига фаолиятини йўлга қўйиш, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва вақтинча тўхтатилган иш ўринларини тиклаш мақсадида имтиёз ва преференциялар берилган. Натижада ўтган йилда 66 мингта янги юридик макомга эга бўлган кичик бизнес субъектида 168,9 мингта янги иш ўрни яратилган.

2020 йилги Давлат дастурида 284 та банд белгиланган бўлиб, шундан 206 та банд тўлиқ бажарилган, 20 та банднинг муддати белгиланган тартибда узайтирилган, 58 та банднинг ижроси юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисобот, унда келтирилган рақам, кўрсаткич ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг аввалроқ бўлиб ўтган йилги ишларида Давлат дастурида белгиланган муҳим ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазифалар, чора-тадбирларнинг ижроси ҳолати жонли, қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Давлат дастурининг ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуктаи назарини, фикр-мулоҳаза ва тақлифларини илгари сурди. Парламент аъзолари амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, пандемия шароитида юзага келган объектив сабаблар туфайли Давлат дастури айрим бандларининг бажарилиши кечикаётгани, баъзи вазифалар ижроси ҳозирда таъминланмаганини қайд этдилар.

Хусусан, ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари Давлат дастуридаги иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб ўтишди. 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрга қадар яқна тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг минимал базавий суммаси 50 фоизгача камайтирилгани, тадбиркорларнинг мурожаатлари асосида ўтган йилда пандемия оқибатида фаолияти зарар қўрган 3 442 та кичик бизнес субъектига 147 миллиард сўмдан зиёд солиқларини тўлаш муддати кечиктирилгани ижобий баҳоланди.

Ҳисобот даврида тадбиркорлик субъект-

ларининг узлуксиз ишлашига шароит яратиш, айланма маблағларини кўпайтириш мақсадида 5,8 мингта субъектга 9 триллион сўм қўшилган қиймат солиғидан салбий фарқ суммалари бюджетдан қўллаб берилгани, карантин даврида тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг 26,5 триллион сўмлик кредитлар бўйича тўловларининг муддатлари 2020 йил 1 октябрга қадар узайтирилганини эътироф этдилар.

Шу билан бир қаторда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилишида муаммолар борлиги, инвесторлар ҳужжатларни расмийлаштиришда тўсиқларга дуч келаётгани, бу эса тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасида зарур чоралар кўришни тақозо этишини таъкидладилар.

“Миллий тикланиш” ДП фракцияси вакиллари коронавирус пандемияси билан bogлиқ юзага келган мураккаб вазиятга қарамай, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 500 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирларнинг ўтказилгани халқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутгани айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида эътибор зарурлигини таъкидлаган ҳолда бугунги кунда катта тарғибот қуролига айланган кино санъатини ривожлантириш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси тўла бажарилмагани фракция аъзоларининг эътирозига сабаб бўлди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоларининг фикрича, 2020 йил бутун дунё ҳамжамияти учун синовили йил бўлишига қарамасдан, Давлат дастуридаги халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотларга оид бандларнинг ўз вақтида бажарилиши ижобий ҳолат.

Аммо бу каби ижобий ҳолатлар билан бирга, 2020 йилги Давлат дастурининг айрим бандлари ўз вақтида бажарилмай қолганига эътибор қаратдилар. Фракция аъзоларининг таъкидлашича, бугунги кунда мамлакатимизда камбағаллик борасида аниқ рақамлар эълон қилинган, шундаки экан, фуқароларимизни камбағалликдан чиқаришнинг Давлат дастурида назарда тутилган аниқ механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари Ҳукумат томонидан ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишидаги ишларга тўхталиб, пандемия даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакат миқёсида тизимли ислохотлар амалга оширилганини алоҳида эътироф этишди. Хусусан, “темир дафтар” жорий этилгани кам даромадли, вақтинча ишсиз фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётгани, уларни ишга жойлаштириш, доимий даромад манбаларини яратиш бўйича кенг қамровли чоралар кўрилаётгани реал самара бераётганига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Давлат дастурида белгиланган айрим меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш муддати кечиккани, хусусан, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепцияси ишлаб чиқилмагани кўрсатиб ўтилди. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши ижтимоий нафақа тулашини мукаммал тизимини жорий этиш, ҳам даромадли оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш ҳамда нафақа тайинлашда очик ва адолатли тизимини яратиш имконини бериши таъкидланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари 2020 йилги Давлат дастури доира-сида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш йўналишларидаги ишлар пандемия туфайли жорий этилган карантинга қарамасдан, ўз вақтида амалга оширилганини эътироф этдилар. Биргина аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 73 фоизга етгани бунга яққол мисол сифатида келтириб ўтилди.

Ўз навбатида, фракция вакиллари тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, тоза ичимлик суви етиб бормаган чекка ҳудудларда сув таъминотини йўлга қўйиш чораларини кўриш, бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ролини янада кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Қизгин, амалий ва талабчанлик руҳда кечган савол-жавоблардан сўнг, депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуладилар ҳамда тегишли қарорни қабул қилдилар.

Сиёсат

ИНТЕРВЬЮ

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ “МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ҳозирги кунда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани қайд этилди. Бу борадаги масалаларни тизимли ҳал этиш мақсадида



Алишер САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги директори:

— Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшлари форуми ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатнома-сида ёш авлод манфаатларига қаратилган муҳим ғоя ва ташаббусларни илгари сурган эди. 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилинди. Бугунги йиғилишда ўша форум ва Мурожаатномада айтилган тақлифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янги-ча тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ишлар иккита муҳим йўналишда ташкил қилиниши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Биринчиси — ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-хўрага ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўлса, иккинчиси — ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш.

Биринчи йўналишга кўра, маҳалла профилактика инспекторлари ва ёшлар етакчилари мавжуд муаммоларнинг ҳар бирини тегишли маҳалла ва секторга тизимли равишда етказиб туради. Агар мурожаат қилган ёшнинг муаммолари ўз ечимини топса, у “Ёшлар дафтари”дан чиқарилиб, туман кенгашлари орқали тасдиқланади.

Иккинчи йўналишда эса ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилади, яъни Бош вазир ўринбосарлари ҳар бир комплексда — қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, ташқи савдо ва инвестиция ва ижтимоий соҳадаги ёшларнинг максадлари ва режаларини ўрганади. 1 сентябргача 844 минг нафар ёшни иш билан таъминлаш бўйича ҳар бир вилоят, туман, сектор ва маҳалла кесимида ёшлар баланси ишлаб чиқилади.

МУНОСАБАТ

АНИҚ РЕЖАЛАР ЙЎЛЛАРИМИЗНИ РАВОНЛАШТИРАДИ

Бошланиши 1-бетда

2021 йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши ислохотлар долзарб-лиги ва ҳаётбахшлигини яна бир бор исботлади. Йил номи икки ўта муҳим масалани қамраб олди.

Биринчиси, бугунги кунда келажакимиз бунёдкорлари бўлимиш ёшларни янги марралар сари чорлаш нечоғлик муҳим бўлса, иккинчиси, аҳоли саломатлиги борасида қайғуриш ҳам ундан қолишмаган долзарб масаладир. Буни ҳамон давом этаётган пандемия шароити ҳам аққол кўрсатиб турибди. Коронавирус дунё бўйлаб тарқалиб, нафақат тиббиёт ходимлари, балки бутун инсониятни ўйлантириб қўйди, ҳар бир давлатнинг ижтимоий сиёсати ўзига хос имтиҳондан ўтди, деса-муболағга эмас.

Биз ўтган давр ичида фақатгина юкумли касалликлар эмас, ҳар қандай дард ҳам катта хавф келтириб чиқариши мумкинлигини, инсон мустаҳкам соғлиги билан ўзини ихота қилиши даркорлигини англаб етдик. Албатта, мазкур масала замирида аҳолининг тиббий саводхонлиги, бирламчи тиббиёт муассасаларидаги сифатли фаолияти ётибди.

Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда 85 та янги оилавий поликлиника фойдаланишга топширилади, эҳтиёжманд аҳолини скрининг текширувдан ўтказишга хусусий сектор хизмати ҳам жалб этилиб, уларга субсидия берилади. Ўткир буйрак етishмовчилиги билан қийналаётган 5 000 нафар бемор бепул тиббий текширувлардан ўтказилади, дavanaнади.

Мурожаатномада халқимизнинг ўй-кечмалари, айнаи дамда бош қотириб турган масалаларнинг де-



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
маданият вазири:



Шерзод ШЕРМАТОВ,
халқ таълими вазири:

— Эндиликда ҳар биримиз ёлгон статистика ва ҳўжақўрсинга эмас, балки ҳақиқий иш жараёни учун ҳаракат қиламиз. Энг аввало, ёшлар балансини яратишга катта эътибор қаратилади. Бу жуда муҳим масала.

Шу пайтгача мактаб битирувчиларининг қайсидир қисми олий таълимга, қайсидир қисми коллежга кирди. Лекин қолган ёшларнинг бандлиги ни таъминлаш масаласи ўл-

да-жўлда қолиб кетарди. Шу боис биз ёшлар балансига катта аҳамият берамиз. Ана шу жараён бўйича электрон тизим яратилиб, бандлиги таъминлини керак бўлган битирувчиларимиз билан маҳаллий ҳокимликлар, секторлар билан ҳамкорликда манзилли иш олиб борамиз. Бу, албатта, мактаб битирувчиларига ҳам жуда катта ёрдам бўлади. Чунки уларнинг бир қисми касбга ўргатилади, қолганлари эса иш билан таъминланади. Бу борада ҳар бир сектор раҳбарига қатор вазифалар белгилаб бе-рилади.

Яна бир муҳим масала — ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказишдир. Бу — мактабдан ташқари таълим дегани. Мана аста-секин пандемия шароити ҳам енгиллашяпти. Демак, тўғарақлар, мушонаралар, спорт машғулотлари ва ички туризми ни бемалол ривожлантирсак бўлади. Яъни, болаларимиз ўқитишдан ташқари вақтларини унумли ва самарали ўтказадди. Шунда улар ҳақиқий кенг қамровли ижодкор ёшларга айланади. Айнаи масалада Халқ

таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, умуман қатор ва-зирлик ва идораларга топши-риқлар берилди. Айниқса, бо-лаларни кўпроқ тўғарақларга жалб қилишга катта эътибор қаратилди.

Маданият вазирлиги билан мактабларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг филиалларини очиш борасида ҳамкорликда ишлаймиз. Чунки ҳамма бола ҳам мусиқа мактабига боролмайди. Агар ўзи таълим олаётган мактабда филиали бўлса, болаларимиз-да кўпроқ қатнашиш имконияти бўлади.

Бундан ташқари, мактабларимизда спорт заллари, фут-бол майдончаларини барпо этишга кўпроқ эътибор қаратилади. Мана ҳозирда маҳаллий ҳокимлар мактабларга бориб, қўшимча ёрдам қилиш маса-ласида ташаббуслар билан қияқпти. Бунда нафақат мактаб ўқувчиларимиз спорт би-лан шўғулланади, балки ўша атрофдаги ёшлар ҳам бўш вақтини спорт билан ўтказиш имкониятига эга бўлади.

ри жамғармаларидан 500 миллиард сўм йўналтирилаётганлиги ҳамда 27 мингта эҳтиёжманд оиланинг ипотека кредити бўйича дастлабки бадалани тўлаш ва кредит фойзаларини субсидиялаш учун 2,4 триллион сўм йўналтирилаётгани фуқароларда эртанги кунга бўлган ишонч ҳиссини янада оширмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шиддат билан ривожланаётган бугунги замон, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида олдимизда турган кенг қўламли вазифалар, ўзини-ўзи бошқариш органи деб номланган маҳалла институти томонидан ҳам янгидан-янги вазифаларни тизимли амалга оширишни талаб этмоқда.

Мана шулар ҳисобга олиниб, маҳал-ланинг нуфузини, унинг ресурс ва им-кониятларини ошириш, ходимларнинг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқиш зарурлиги тўғри-сидаги масаланинг кўтарилиши қуйи поғонадан бошлаб ишлаш тизимини тўғри ташкил этишининг амалий ме-ханизми бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг қамиди 10 фоизини бевосита маҳал-ладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишларнинг бошлаб юборилганлиги бу ваколатни янада кенгайтириб, туман бюджети харажат-ларининг 5 фоизини ҳам ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилишини таъкидлаб ўтгани, маҳаллаларимиз ободлигига хизмат қиладиган эзгу ташаббусдир.

Албатта, халқнинг кўнглидаги ис-такларга давлат раҳбари томонидан эътибор қаратилаётгани, фаровон ҳаётга эришиш йўлида муҳим ис-лохотларнинг белгилаб олиниши аниқ манзиллардан раван одимларимизни қафолатлайди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Бугунги кунда халқаро муаммоларни ҳал этишда халқ дипломатияси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Аслида, халқ дипломатиясини кичик хайрли ҳаракатлар сиёсати, дейиш мумкин. Бунда асосий эътибор давлат тузилмалари ва мансабдор шахсларга эмас, балки ҳамкорликни кенгайтириш имкониятига эга жамоат ташкилотларига қаратилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёда глобал зиддият ва қарама-қаршиликлар авж олаётган бир паллада, айнан халқ дипломатияси ўз самимийлиги ҳамда ҳолислиги билан муҳим аҳамият касб этапти. Расмий давлат воситаларидан фарқли равишда, халқ дипломатияси темир панжараларни бўзиб ўтишга, дўстлик алоқаларини тиклашга қодир. Муҳими, давлатлар ва халқларнинг умумий мақсад учун ҳамкорлик қилиш нияти бўлса, кифоя. Бунинг замирида эса олий кадриятлар: тинчлик, хавфсизлик, ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, бошқа халқлар билан яхши қўшилиқ, адолат ва биргаликда ривожланиш истаги туради.



Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистонда ШХТнинг
Халқ дипломатияси маркази
раҳбари

Умуман, халқ дипломатияси — маданий ва анъаналарни яхшироқ тушуниш муносабатларини йўлга қўйиш, манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётган халқлар ва ташкилотларнинг бегараз мулоқот майдони. Халқ дипломатиясида сиёсий шахслар эмас, балки иқдоркорлар, илм-фан намояндалари, ишбилармон доиралар вакиллари, ёшлар, ҳуллас оддий халқ вакиллари иштирок этади. Улар халқаро миқёсдаги турли форумлар, симпозиумлар, анжуманлар, ҳаттоки низооларни ҳал этиш бўйича музокараларда ҳам давлат номидан воситачи сифатида қатнашиши мумкин.

Ана шундай муассасалардан бири — Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аъзо давлатлар ўртасидаги ишонч ва яхши қўшилиқни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Унинг таъсис этилиши бир вақтнинг ўзида бир неча омилларга боғлиқ бўлган. ШХТ нисбатан қисқа давр ичида халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнаётган нуфузли ташкилотга айланди. Ҳозирги кунда ташкилот қамрови ер юзининг тўртдан бир қисмини эгаллайди ва дунё аҳолисининг қарийб ярмини бир мақсад атрофида бириктиради. Албатта, бундай улкан салоҳиятга эга ташкилот Евроосиё қитъасидаги муносабатларнинг янги турини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бу борада эса халқ дипломатия-

си механизмларидан кенг фойдаланиш жуда муҳим.

Дунёда глобализация ва интеграция жараёнлари кенгайиб бораётган бир вақтда халқ дипломатияси халқаро муносабатларнинг асосий унсурларидан бирига айланмоқда. Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази асосий мақсади ҳам бу каби мулоқот-

ви маркази ҳисобланган Буюк ипак йўли бирлаштирган чуқур тарихий ва маданий алоқалар орқали ўзаро боғлиқ.

Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилган даврдан бошлаб ўз фаолиятини “Шанхай руҳи” тамойилларини фаол тарғиб қилишга қаратган. “Шанхай руҳи” асосида ўзаро ишонч, манфаат, тенглик,



ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ — ТЕНГЛИК ВА АҲИЛЛИКДА РИВОЖЛАНИШ СИЁСАТИ

ларни янада кенгайтириш, ташкилотга аъзо давлатлар ва халқларни бир-бирига яқинлаштиришга қўмаклашишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун ташкилотга аъзо мамлакатлар халқларининг бой тарихий-маданий мероси, кўп асрлик анъаналарини ўзаро билишга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, шу пайтгача ШХТга аъзо давлатларда халқ дипломатиясини ривожлантириш бўйича кўрилаётган тадбирлар халқлар урф-одатлари, маданияти ва турмуш тарзини ўрганиш учун етарли бўлмаган. Шу боис, Ўзбекистонда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилиши, ўта муҳим ва ўз вақтида амалга оширилган тадбир бўлди.

Ҳиндистон ва Покистон ШХТнинг доимий аъзоси сафига қўшилгандан сўнг бундай тузилмани ташкил этиш зарурати янада ошди. Зеро, ташкилот Евроосиёнинг Хитой, Россия, Ҳиндистон каби йirik тамаддун марказларини бириктирувчи маконга айланди. Бу цивилизациялар нафақат бетакрорлиги ва анъанавийлиги бўйича умумий хусусиятларга эга, балки урф-одатлар, қадриятлар ва турли маданий амалиётлар билан ҳам ажралиб туради. Агарда ШХТ каби халқаро майдондаги ташкилотлар, аввало, сиёсий ва иқтисодий прагматизмни кўзлаб иш юритса, халқлар қалбани яқинлашади, бу эса давлат қурилиши ва бошқарувида ғоялар ҳамда мафкуравий тузилмаларнинг ўрнини белгилаб беради. Яна бир муҳим жиҳат, ШХТга аъзо давлатлар нафақат дунёдаги сиёсий вазият туфайли, балки минг йиллар давомида савдо-сотиқ, маданий-маънавий қадриятлар алмашину-

маслаҳатлашув, маданиятлар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат, биргаликда ривожланишга интилиш каби тушунчалар ётади. Унинг мантиқий асосларига киритилган ҳар бир концепция чуқур маънога эга. Улар бирлашиб “Янги хавфсизлик модели” асосини ташкил этади.

“Ўзаро ишонч” тамойили ўзаро тушунишга, халқаро шартномалар ва мажбуриятларга риоя қилишга, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига риоя қилишга асосланган самимий муносабатларни назарда тутди. “Ўзаро манфаат” тамойили эса томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва қафолатлаш зарурлиги, ўз мамлакатининг хавфсизлиги бошқа давлатлар хавфсизлиги билан ажралмас эканини билдиради.

Халқаро муносабатлар субъектларининг “тенглиги” уларнинг ҳудуди катталиги, фаровонлик даражаси ва давлат ҳокимиятидан қатъи назар, давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги тенг макomini назарда тутди. Уларнинг барчаси

тинчлик ва осойишталикка, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга, баъзи давлатларнинг бошқалардан устунлик қилишга интилишларига қарши курашда тенгдир.

“Ҳамкорлик” тамойилида бир давлат бошқасига қарши иттифоқ тузмаслиги, мулоқот ва маслаҳатлашувлар орқали яширин таҳдидларга барҳам бериши, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал қилиши, қуроли тўқнашувларнинг олдини олиши ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш тушунилади.

“Маданиятлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш” тамойили — замонавий дунёда маданиятлар ва цивилизациялар хилма-хиллигини тан олиш, ҳар бир давлатнинг тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳар бир миллатнинг ўз ижтимоий тизими ва ривожланиш моделининг мустақил танловига ҳурмат билдиришни аниқлатади.

“Биргаликда ривожланишга интилиш” шимол ва жануб ўртасидаги номутаносибликни камайтириш, ижтимоий табақаланиш муаммосини ҳал қилиш, ҳамкорлик жараёнида ўзаро фаровонликка

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА,
ШУ ПАЙТГАЧА ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАРДА
ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА КЎРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ХАЛҚЛАР
УРФ-ОДАТЛАРИ, МАДАНИЯТИ ВА ТУРМУШ
ТАРЗИНИ ЎРГАНИШ УЧУН ЕТАРЛИ БЎЛМАГАН.
ШУ БОИС, ЎЗБЕКИСТОНДА ШХТНИНГ
ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ
ЭТИЛИШИ, ЎТА МУҲИМ ВА ЎЗ ВАҚТИДА
АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИР БЎЛДИ.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Бошланиш 1-бетда

Сўнгги тўрт йил давомида Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги бой ва сермазмун сиёсий мулоқотга асосланган ҳолда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. 2017 ва 2019 йилларда амалга оширилган ўзаро давлат таширфлари натижасида имзоланган ҳукуматлараро битимлар ва тижорат шартномаларининг умумий миқдори 22 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 2019 йил апрель ойида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар “алоҳида стратегик шериклик” даражасига кўтарилди.

Ушбу юқори мақом 2020 йилда коронавирус пандемияси бундан дунёни қамраб олган, халқаро ҳамкорлик, глобал иқтисодиёт ва ривожланишга салбий таъсир ўтказган вазиятда узининг ёрқин исботини топди. Утган йил Корея Республикаси Ўзбекистонга 314 миллион доллар миқдорда сармоя киритди ва Жанубий Кореянинг мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирган инвестициялари умумий ҳажми 7 миллиард доллардан ошди.

Бундан ташқари, сўнгги бир неча йил ичида Жанубий Корея капиталли иштирокидаги корхоналар сони Ўзбекистонда қарийб икки бараварга кўпайди. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикаимизда 875 та ана шундай корхона рўйхатдан ўтказилган, шу жумладан, улардан 539 таси 100 фоиз хорижий капитал иштирокида ташкил этилган. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 74 та компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Икки давлат ўртасида ўзаро манфаатли савдо алоқаларини ривожлантириш учун энг қулай режим яратилган. 2020 йилда савдо айланмиси ҳажми пандемия туфайли бироз пасайганига қарамастан, 2,1 миллиард доллардан ошди.

Икки мамлакат қонун қарарувчи органларида ташкил этилган дўстлик гуруҳлари ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик ва алоқалар фаол ривожланимоқда.

Ҳар йили ўтказиладиган “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатларимизнинг фаол муносабатларини қайд этиш жоиз.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси кўп томонлама асосда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Расмий Сеул Ўзбекистон ташаббуси билан 2018 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган иккита ҳужжат – “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” ва “Маърифат ва диний барикенглик” резолюцияларини қўлаб-қувватлади ва уларнинг ҳаммуаллифи бўлди. Жанубий Корея, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021–2023 йиллар учун ўтказилган сайловда Ўзбекистон номзоди учун овоз берди.

Маданий-гуманитар соҳа ҳамкорлигининг муҳим йўналишидир. Икки мамлакат президентлари

иштирокида 2019 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида Корея маданият ва санъат уйининг очилиш тарихий воқеа бўлди. Бу маскан мустаҳкам дўстлик ва ўзаро юксак ҳурмат рамзи, бугун юртимизда истиқомат қилаётган қарийб 180 минг кишини ташкил этадиган корейс диаспораси вакиллари-нинг учрашув манзилига айланди.

Ўзбекистоннинг корейс миллатига мансуб аҳолиси ўз она тилини мамлакатимиздаги 48 та мактаб ва лицей ҳамда 7 та университетда ўрганиш имкониятига эгаллигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, республикаимизда Жанубий Кореянинг сўнгги йилларда очилган Инха, Пучон, Ёжу университетлари филиаллари, шунингдек, Фарғона шаҳридаги Корейс халқаро университети фаолият

кўрсатяпти. Ўзбекистон олий ўқув юртлири ушбу давлатнинг 45 дан ортқ университети ва илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

2014 йил Тошкентдаги “Дўстлик боғи” ҳудудида очилган Сеул боғи, шунингдек, 2018 йил пойтахт кўчаларидан бирига Сеул номи берилиши ҳам ўзбек ва корейс халқларининг мустаҳкам дўстлиги рамзи бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 30 октябр кўни видеоконференция шаклида бўлиб ўтган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумидаги нутқида Ўзбекистон Жанубий Кореяни мамлакатимизда рақамли ва “яшил” технологиялар жорий қилиш жараёнидаги асосий ҳамкорлар-

дан бири сифатида билишини таъкидлади. Республикада Ўзбекистон — Жанубий Корея ўқув ва амалий тўқимачилик технопарки, Ноёб металллар ва қотишмалар илмий-технология маркази, Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги конструкторлиқ-технология маркази, “Электрон ҳукумат” соҳасидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлик маркази ташкил этилган. Қурилиш ва кимёвий технологиялар соҳасидаги Ўзбекистон — Корея ҳамкорлик марказларини яратиш масаласи ўрганилмоқда.

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам кенг қўламли қўшма лойиҳалар амалга ошириб келинади. Хусусан, 2019 йил апрель ойида бу йўналишдаги Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлик маркази ташкил этилди, 2020 йил май ойида EDCF жамғармиси қўмағида Тошкентда болалар кўп тармоқли марказининг қурилиши якунланди. Катталар учун кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Онкология клиникасини қуриш лойиҳалари қўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон шифокорлари Жанубий Кореянинг етакчи клиникалари ва марказларида ҳар йили билимини бойитидаи ва иш ўрганади. Бугунги кунга қадар 400 дан ортқ тиббиёт мутахассиси ушбу имкониятлардан фойдаланиб, ўз малакасини оширди.

Пандемия даврида, 2020 йил апрель-май ойларида Корея университети эпидемиологлари Цой Чжэ Ук (1-даражали “Саломатлик” ордени билан мукофотланган) ва Юн Синг Жу Ўзбекистонга келиб, ҳамкасбларига қўмак ва маслаҳат берди.

Бир сўз билан айтганда, бугун икки ишончли шерик қўшма лойиҳалари ёки дастурлари қамраб олмаган соҳа деярли йўқ. Қўшма ташаббусларнинг салмоқли рўйхати бундан кейин ҳам Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада юқори даражага олиб чиқадиغان янги режалар билан тўлдириб бораверилади.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГУРУЧ БРЕНДИ

илғор технологияларни қўллаш, замонавий илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш орқали яратилади



Ғиёсжон РАҲИМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

Абдувоҳид УРОЗКЕЛДИЕВ,
Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

Дунё олимларининг хулосаларига кўра, шולי етиштиришда мақбул сув тизимини яратиш, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олишда глобал иқлим ўзгаришлари деҳқончилик учун катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Йиллик обихаёт ҳажмлари аввалгидек етарли даражада эмаслиги, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида шолига катта меҳнат ва сув ресурслари талаб қилиниб, аҳолини гуруч маҳсулотлари билан таъминлаш тобора мураккаблашиб, ўта долзарб вазифага айланиб борапти.

Коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инкироз асоратларини юмшатиш, мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш, уларнинг кафолатланган захирасини яратишда қишлоқ хўжалигида ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Бунда ҳозирги замон агробиология илми, деҳқончиликда эришилган ютуқлар асосида шולי навларининг сифатини яхшилаш, ҳосилдорлигини оширишда инновацион технологияларни қўллаш асқотади.

ГУРУЧГА ТАЛАБ НЕГА КАТТА?

Шоли сифати ва ҳосилдорлик бўйича бошқа бошқоқли дон экинлариға нисбатан анча юқори ҳосил беради. Ҳозирги вақтда Япония, Жанубий Корея, Вьетнам каби давлатларда шолидан олинадиган ҳосил ҳар гектар ердан 80-90, Хитойда эса илмий асосланган инновацион технологияларни қўллаш асосида 150 центнердан ортиқ ҳосил олинмоқда.

Гуручдан тайёрланадиган таомлар тез ҳазм бўлиши ва тўлиқ ўзлаштирилиши билан ажралиб туради. Унинг ўзлаштириш коэффициенти 90 фоиз бўлиб, калорияси 35,9 га тенг. Гуруч ошқозон, асаб тизими, юрак-қон томир, саратон касалликларини даволашда дунё бўйича энг кўп фойдаланиладиган парҳез таомлардан бири саналади. Бу, энг аввало, унинг таркибида туз йўқлиги билан боғлиқ. Қолаверса, озиқ-овқатларда крахмал ва унинг формалари кўп бўлса, инсон организмнинг иммунитет даражаси пасайиб турли касалликларға, айниқса юқумли, вирусли хасталикларға тез чалинадиган бўлиб қолади. Бу ҳолат, кўпроқ ёш болалар ва қарияларда учрайди. Шунинг учун етиштирилаётган, айниқса, импорт қилинаётган гуруч маҳсулотларининг сифатига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бу борада Вьетнамда илмий асосланган ишлар йўлга қўйилган. Гуручларининг биокимёвий классификациясига кўра, эндосфермасида амиллозалар (крахмал формалари) ҳам бўлганлиги боис дунё бозорида ҳам талаб катта.

Айни пайтда аҳолиси кўп бўлган Хитой, Ҳиндистон, Индонезия каби Осиё мамлакатларида гуруч асосий озуқа ҳисобланиб, улар ҳам ўз эҳтиёжларини қондира олмай келяпти.

Мамлакатимизда ҳам гуруч маҳсулоти энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари сирасига киради. 2019 йилда 200 минг тонна гуруч етиштирилган бўлишиға қарамай, ички эҳтиёж тўлиқ қопланмаганлиги сабабли 13,7 миллион АҚШ долларини қийматидаги 114,14 минг тонна маҳсулот Қозоғистон, Покистон ва Россиядан импорт қилинган.

Марказий Осиёда фақат Ўзбекистонда тупроқ-иқлим шароитларига мос шолининг юқори ҳосил берадиган навлари яратилган. Ушбу гуруч навларининг таркиби оқсил, глюкоза, бошқа тўйимли озиқ моддалар ва витаминларға бойлиги сабабли бошқалардан сифат жиҳатдан ажралиб туради. Улар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг тупроқ-иқлим шароитига мос келганлиги сабабли бизда яратилган шולי навларига кенг майдонларда киши учун қизиқиш катта ва улар экспортини йўлга қўйиш мумкин.

ВЬЕТНАМЛИК ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 мартдаги Вьетнам Республикаси билан икки томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантиришға қаратилган қарорига асосан, бугунги кунда мазкур мамлакат илмий ва технологик муассасаларининг энг йирик тармоғи сифатида 500 га яқин йўналишда фаолият юритадиган, таркибиде илмий ва технологик институтлар бўлган “VUSTA” (Вьетнам илмий ва технологик ассоциациясини иттифоқи) билан Сув хўжалиғи вазирлиғи, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (ИСМИТИ) ва унинг Қорақалпоғистон филиали ўртасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, шוליпопарларда балиқ етиштириш, шўрланган, кучли шўрланган, фойдаланишдан чиққан ер майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаб, қайта экин кишиға киришти қами муҳим масалалар бўйича икки томонлама ҳамкорлик урнатилган.

Шу билан бирға, ИСМИТИ томонидан қишлоқ хўжалиғиде сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш, ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити, суғориш усулларини

215-18 миллион сўмни ташкил этади ва ҳозирғига қараганда, 20-25 фоизға пасаяди. Сув микдори гектар бошиға 70-80, уруғлик сарфи 30-40 фоизға камайиб, шолининг униб чиқиш даражаси 2 баробарға ортади, кимёвий гербицид ва минерал ўғитлар солиш эса 15-20 фоизға камаяди. Шולי экиш учун ариқ ва зовурлар қавланмайди, катта ҳажмдаги электр насосларда сув чиқариш учун электр энергиясидан умуман фойдаланилмайди. Шу билан бирға, ҳозирги вақтда районлаштирилган ва экилаётган шולי навларининг ҳосил бериш даражаси ҳам амалда исбот қилинади.

Бугунги кунда шолидан олинаётган ўртача ҳосилдорлик унга сарфланаётган харажатлар чиқариб ташланса, гуручға бўлган эҳтиёжларни қопламайапти. Экиладиган уруғлик харажати гектарига 200 килограмдан ортиқ бўлиб, униб чиқиш даражаси 36-38 фоиз атрофида бўляпти. Хитой, Жанубий Корея, Япония, Индонезия, Вьетнам каби мамлакатларда уруғлик микдори гектарига 80-120 килограмм бўлиб, униб чиқиш даражаси 70-80 фоизни ташкил қилади.

Шолини томчилатиб суғориш технологиясини қўллаш натижасида ҳосилдорлик ортиб, сифат ҳам бир вақтнинг ўзида яхшиланади. Меҳнат унумдорлиғи тез сурыатларда ошади ва ишчи кучига бўлган талаб сезиларли даражада камаяди.

Мамлакатимизнинг географик жойлашуви, тупроқ-иқлим шароити шולי етиштиришға қулай зонада жойлашганлиғини ҳисобға олиб ер, сувдан фойдаланишда, ишчи кучи, меҳнатини сарфлашда илмий асосланган сувни, ресурслари тежайдиган томчилатиб суғориш технологиясини тезкор жорий этиб, аҳолининг гуручға бўлган талабини тўла қондириш мумкин.

Ҳозирги вақтда 20 дан ортиқ районлаштирилган ва барча вилоятларда экилаётган шולי навларининг характеристикаси, патентига ҳар гектар ердан 60-70 центнердан ортиқ ҳосил бериши баён этилган. Лекин 2019-2021 йилларда аънаваный усулда парваришланган экинларнинг ўртача ҳосилдорлиғи 33-35 центнерни ташкил этди ва гуручнинг импорт қилиш даражаси ўсиб борапти.

Тадқиқотлар бизнинг тупроқ-иқлим шароитида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш орқали ҳосилдорлиқни 60-70 центнерға кўтариш имконияти мавжудлиғини кўрсатаяпти. Бунда бир гектар ерга сарфланадиган бевосита харажатлар

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик экинларини томчилатиб суғоришни кенг жорий қилишда фойдаланиладиган полиэтилен насос ва трубулар, томчилатиш ленталари, фитинг, турли ҳажмдаги жұмрақлар ва бошқа эҳтиёт қисмлар республикаимиз қорхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Уларни четдан валюта маблағлари сарфлаб олиб келишға зарурият йўқ.

Шолини томчилатиб суғориш технологияси лойиҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалға ошириш ва тезкор жорий қилиш учун ер майдонлари ажратиш, техника-жиҳозларни жойлаштириш, экишға тайёрлаш, кимёвий ўғитлар, ишчи кучи каби барча зарур ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш ишларига Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “Юлдуз Ситоракон Агро” фирмаси ҳозирлиғини билдирмоқда. Ҳиссадор қорхона сифатида 200 миллион сўмға тенг микдорда амалий ёрдам беришни ҳам кафолатлаяпти.

2021 йилдан Тошкент давлат аграр университети ҳамда Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти олим ва мутахассислари томонидан Тошкент, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида шолчиликда томчилатиб суғориш тизимини яратиш ва тезкор жорий қилиш мавзуси бўйича илмий-амалий лойиҳани йўлга қўйишни режалаштирган.

Сув хўжалиғи вазирлиғи ушбу лойиҳани қўллаб-қувватлаб, уни молиялаштирилишини мақсадға мувофиқ деб топан ҳолда, Инновацион ривожланиш вазирлиғи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот Марказига тақдим этишни таклиф қилган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиғида сувдан тежаб фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлиғини таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. Ҳукуматимиз томонидан белгилан берилган вазифалар олим ва мутахассисларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Уларнинг ўз вақтида бажарилиши, биринчи навбатда, илмий-тадқиқот ишларининг жадал ташкил этилиши Ўзбекистоннинг гуруч брендини яратишға йўл очади.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

Дунё ресурслари институти (WRI) томонидан эълон қилинган ҳисоботда Ўзбекистон сувнинг юқори тақчиллиғи мавжуд бўлган мамлакатлар рўйхатида 25 ўринда турибди. Бу ҳол ўз навбатида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида ички имкониятлардан кенг фойдаланиш зарурилигини аңлатади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиғи экинлари етиштиришда замонавий сув тежовчи технологияларидан фойдаланиш бўйича бир қатор ижобий ишлар қилинапти. Хусусан, Сурхондарё вилоятида 2020 йилда 10 660 гектар майдонда тежамкор суғориш технологиялари жорий этилди. Лекин бу суғориладиган ерларнинг бор-йўғи 8,2 фоизиниғина ташкил этади.

СУВ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ҳам арзон, ҳам мўл ҳосил гарови

Отабек МИНГҚОБИЛОВ,
“Аму-Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Сув тақчиллиғи сезилаётгани ҳамда оби-ҳаётға бўлган эҳтиёж ўсиб бораётгани унинг ҳар қатрасидан самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Масалан, вилоят далаларининг асосий қисмини таъминловчи “Жанубий Сурхон” сув омборида сув микдори 2020 йили аввалги даврларға нисбатан 20-30 фоиз кам бўлди. Шунингдек, жорий йилда ҳам воҳа ҳудудидеги мавжуд дарёларда сув микдори меъёрга нисбатан 75-80 фоиз бўлиши кутилмоқда. Таҳлил қиладиган бўлсақ, вилоятимизда 2021 йил етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда 4 миллилардан 74 миллион куб метр оби-ҳаёт талаб қилинади. Манбалардан қўйлаётган сув микдори эса 3 миллиард 71 миллион куб метр бўлиши ёки 1 миллилард 3 миллион куб метр сув етишмовчилиғи эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳар бир деҳқон, фермер хўжалиғи ва кластер раҳбари далаларини суғораётганда ҳар қатра сувдан тежаб-тергаб ва оқилон фойдаланиш чораларини ишлаши керак.

Президентимизнинг 2020 йил 11 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиғида сув тежовчи технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориде эндиликда сув тежамкор технологияларни жорий қилишни 2020 йилға нисбатан беш бараварға ошириш, хусусан, вилоятимизда 18 139 гектарға етказиш, шунингдек 9 483 гектар майдонни, жумладан 200 гектар шולי етиштириладиган далаларни лазерли ускуналар ёрдамида текислаш белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида бу йилги мавсум 12 618 гектар пахта, 4 091 гектар бoғ, 667 гектар узумзор ҳамда 651 гектар бошқа экинлар етиштириладиган далаларда томчилатиб суғориш, 112 гектар сабзаот ва полиз экинлари ўстириладиган ерларда ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш режалаштирилган. Агар бу йил вилоят экинзорларида сув тежовчи технологияларни умумий майдоннинг 13,7 фоизига етказсақ, вегетация даврида вилоят бўйича 72,6 миллион куб метрғача сув тежалади ҳамда иқтисод қилинган оби-ҳаёт ҳисобига қўшимча 11 минг гектар майдондаги тақрорий экинларни суғориш имконияти юзаға келади. Сув тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобига вилоят бўйича 18,7 миллиард сўмлик 8 089 тоннағача минерал ўғитлар, 6,84 миллиард сўмлик 1 245 тонна ёқилғи-моилаш маҳсулотлари тежалади. Бундан ташқари, меҳнат ва механизация харажатлари 30 фоизғача қисқаради. Мухим, экинларнинг ҳосилдорлиғи 45 центнердан паст бўлмайди.

Яна бир қулайлик шундан иборатки, қарорға асосан сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тартиби белгиланган. Ушбу технологияларни жорий этаётганларға технологияни камда беш йил ишлашни шарти билан харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади. Янги тартибға кўра, субсидия микдори сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиқиб белгиланади, бунда тиндирғиқ ҳовузнинг қоплами (бетон, геомембрана, тупроқ ўзанли), насос ва филтёр ускуналари, қувур ҳамда шланглар сифати баҳоланади. Бундан ташқари, халқаро молия институтлари ва молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар доирасида сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш учун тижорат банклари орқали 200 миллион долларғача кредит линияларини очиб белгиланган. Сувни тежайдиган технологиялар жорий этилган ер майдонлари камда беш йил мобайнида мақбуллаштирилмаслиғи бўйича норма қўйилди.

Айни пайтда “Аму — Сурхон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги сув хўжалиқ ташкилотларини ҳодимларидан иборат сув тежамкор технологияларни лойиҳалаш, қуриш ва монтаж қилиш ҳамда улардан фойдаланишға кўмак кўрсатувчи сервис гуруҳлари ташкил қилиниб, 500 нафар мутахассис ва ҳодим би-

риктирилди. Сервис гуруҳлари сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинадиган майдонларни лойиҳалаш ва харажатлар сметасини ишлаб чиқиш, бу майдонларға сув келтириш ва ҳовуз тиндирғиқларни қуриш ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, сув тежамкор технология тизимининг насос агрегати, филтёрлари, ўғит бериш мосламасини монтаж қилиш, электр узатиш тармоқларини қуриш, трансформатор ва бошқарув шкафини ўрнатиш ҳамда ишға туширишни ҳам гуруҳлар амалға оширади. Бундан ташқари, улар бош ва тарқатувчи қувурларни ҳамда томчилловчи шлангларни монтаж қилиш, лойиҳадан келиб чиқиб бош қувурларни ер остиға ётқизишда фермер хўжалиқлари ва кластер ташкилотларига технологиядан фойдаланишға кўмаклашадиган ҳамда сервис ва бошқа хизматлар кўрсатади.

Сувни иқтисод қилиш энг катта мақсад, сувни зовурға ташлаш хиёнат, шиори остида меҳнат қилаётган сув хўжалиғи ва ирригация тизимлари ҳодимлари Президентимизнинг соҳаға оид қарори ижросини бажариш учун барча чора-тадбирларни қуришмоқда. Ушбу мақсадда туманлар ҳокимлиқлари ва ирригация бўлимларида штаблар ташкил этилди. Штабларда сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг маъзилли рўйхатларини қайта кўриб чиқиш, биринчи навбатда, электр таъминоти йўлга қўйилган ва электр таъминотиға яқин бўлган фермер хўжалиқлари ҳамда агрокластерлар далаларини контурлар кесимида чўқур таҳлил қилиб, рўйхатлар қайта шакллантирилмоқда. Шунингдек, ушбу технологияларни жорий қилувчи фермер хўжалиқлари ва кластер ташкилотлари билан қурувчи-пудрат қорхоналар ўртасида шартномаларни яқунлаш, бунда вилоятда фаолият юритаётган “Узсувқурилиш” АЖ таркибидеги “Давсувмахсуспудрат” МЧҚлар билан шартнома расмийлаштиришни ташкил қилишмоқда.

Сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва унинг афзал жиҳатларини деҳқонға, сувчиға, фермер хўжалиғи ҳамда кластерлар раҳбарларига, мутахассисларига тушунтириш, уларни янгиликдан тўлиқ хабардор этиш мақсадида Жарқўрғон, Музработ, Ангор, Қумқўрғон ва Сарисий туманларида тежамкор технологияларни қўллашға кўмаклашадиган мутахассислар иштирокида кўргазмали семинарлар ташкил қилинди.

Соҳада амалға оширилаётган эътиборға молик ишлардан яна бири шунки, вилоят ҳокимининг 2020 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан хўжалик ички суғориш тармоқлари, улардаги гидротехник иншоотлар, ички насос агрегатлари, ички зовурлар ва ёпиқ-ёпиқ дренаж тармоқларини фермер хўжалиқлари ҳамда кластерларға далолатномалар асосида эгалликка берилмоқда. Шу пайтгача мазкур суғориш шохобчаларини тозалаш ва техник қаровини амалға оширишға кўпроқ СИУ — сув истеъмолчилар уюшмалари масъул эди. Аслида эса СИУларнинг кенг қўллами ва катта харажат талаб қиладиган бу ишларни удалашға имконияти, техникаси ва маблағи ҳам йўқ эди. Натижада суғориш шохобчаларини тозалаш ва тартибға келтиришни фермер хўжалиқлари билан СИУлар раҳбарлари “Отанга бор, онанга бор” қабилида бир-бириға ағдариб келишаётганди. Юқори ташкилотлардан фермерларға: “Ариқ-зовурининг тозала!” деган топшириқ берилса, фермер хўжалиқлари раҳбарлари: “Ариқ-зовур бизға қарашли эмас, СИУ тозаласин!”, дея уларнинг зиммасига қўлаб қўяр, СИУ раҳбару мутахассислари эса: “Ариқ-зовурларни тозалаш ва гидроиншоотларни созлаш фермер хўжалиқларининг вазифаси, чўнки бу сув шохобчаларидан фермернинг даласи сув ичади. Бизда маблағ йўқ”, деб кутилишарди.


“Бели оғримаягининг нон ейишини кўр” деганларидек, фермерлар даласини суғориш жараёнида пойнобини ариқ-зовурларға оқизиб қўйиши оқибатида ариқ-зовурлар йиллаб қазилмай қамиш ва лойқаға тўлиб ётарди. Энди эса хўжалик ички суғориш тармоқлари, улардаги гидротехник иншоотлар ҳамда ички насос агрегатларини фойдаланувчилар, яъни фермер хўжалиқлари ва кластерларға эгалликка топирилиши уларда ички суғориш тармоқларини тозалаш, тартибға келтириш, батарибти ва оқилон фойдаланиш масъулиятини оширади. Бошқача айтганда, “Сув ичаёсанми, аригининг тозалаб қўй!” тартиби амал қилади.

ОШКОРАЛИК ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

БУГУНГИ КУН АНИҚ КОНЦЕПЦИЯ АСОСИДА ИШЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Бунда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари, журналистлар муҳим ўрин тутди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида оммавий ахборот воситаларининг бугунги кундаги ўрни ва роли ҳақида тўхталиб, ошкоралик ва сўз эркинлиги бу — давр талаби, бу — Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби, деди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий
уюшмаси раиси ўринбосари



Энг аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари мунтазам қўллаб-қувватлаб келмоқда. Инчунун, Олий Мажлисга Мурожаатномада ҳам “Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмалли ўзгаришларни ҳолис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтқоқчман. Улар том маънода “тўртинчи ҳокимият”га айланиб бормоқда”, дея эътироф этди. Шунингдек, 2021 йилда ҳам сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар янада кучайтирилади. Давлатимиз раҳбарининг бундай эътироф ва эътибори барча журналист ва блогерларнинг кўнглини кўтарди, уларга руҳ, куч-қувват ва илҳом бағишлади, ўз билимининг янада бойитиш ва изланишга даъват этди.

Жамиятдаги сўз эркинлиги, ошкоралик ва шифофлик ортага қайтмас тус олди. Бугунги давр ва шароит оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада ошириш учун улар фаолиятини тизимли ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. У газета ва журналлар, телерадиоканаллар, оммавий ахборот воситаси сифатида



рўйхатдан ўтган веб-сайтлар ҳамда ахборот хизматларининг демократик ислохотлар жараёнидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари тармоғини кенгайтириш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, блогерлик мақомини белгилаш, кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш, ихтисослаштириш, соҳа ҳодимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, миллий журналистика-мизнинг халқроқ медиа маконида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, соҳани ҳар жиҳатдан ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Мурожаатномада белгиланган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, “Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” муносабати билан қабул қилинадиган дастур ижроси, барча соҳада амалга оширилаётган демократик ислохотлар аҳамияти ҳамда натижаларини

тезкор, ҳолис ва ҳаққоний ёритиб бориш оммавий ахборот воситалари вакиллари — журналист ва блогерлар, қолаверса, уюшмамиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Уюшмамизнинг тасдиқланган арафасида турган 2021 йилги иш режа ва “Йўл харитаси”да бу борада бажариладиган вазифалар аниқ белгиланган.

Маълумки, бу йил Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаймиз. 2020 йилда коронавирус пандемияси сабабли ўтказилмаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқроқ, “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Энг улуғ, энг азиз” ҳамда турли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда республика танловларини янги формат ва низом асосида юксак савияда ташкил этиш режалаштирилган.

Йиллик режамиздан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини миллий ва халқроқ медиа маконида маҳорат билан кенг ёритиш, жойлардаги камчилик ва муаммоларни қўқмай кўтариб чиқиш, ечимини таъминлашга эришиш, самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этган оммавий ахборот воситалари, журналист ва блогерларни рағбатлантириб бориш чора-тадбирлари ўрин олган.

Олий ўқув юртларида журналистика бўйича таълим олаётган, соҳага энди кириб келган йилги-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қизиқиши, билими, малакаси ва маҳоратини оширишга қаратилган турли тадбирлар — танловлар, семинар-тренинглар, медиатурлар, давра суҳбати ҳамда маҳорат дарслари ўтказиш белгиламоқда. “Устоз-шогирд” анъанасини ривожлантириш, ҳар жиҳатдан кучли, профессионал журналистлар сафи кенгайишига ҳисса қўиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фикрлар хилма-хиллиги, турли қараш ва ёндашуларга кенг йўл очишга қўмаклашиш борасидаги ишларимизни давом эттирамиз.

Жорий йилда илк бор Ёшлар



рилмоқда. Шунингдек, Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар медиа тузилмалари эксперт ва мутахассислари иштирокида халқроқ форум ўтказишни ният қилганмиз.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” телеканали билан ҳамкорликда “Журналист” номли икки ҳафтада бир марта эфирга узатиладиган кўрсатув тайёрлашни йўлга қўйиш, уюшма логотипини янгилаш ва унинг ҳаракатидаги кўринишини яратиш, веб-сайтими — journalist.uzдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда уюшма имиджини шакллантириш ва кўтариш бўйича иш олиб бораёلمиз.

Уюшмамиз томонидан 2021 йилнинг 22-28 февраль кунлари Фарғонада медиаагелар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Мамлакатимиз барча ҳудудларидан ОАВ вакиллари, хусусан, ёш ва устоз журналистлар иштирок этадиган тадбир доирасида уларнинг билим ва малакасини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳанинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Маънавий-маърифий соҳани ислох қилиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз “Агар кимдир, маънавият масаласи — бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади”, деди. Бу, ўз навбатида, уюшма олдида ҳам муайян мақсад-вазифаларни қўймоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида опти минг нафарга яқин ижодий ҳодим фаолият олиб бормоқда. Улар, шубҳасиз, катта куч. Ҳар бир журналист ва блогер, ўз навбатида, маънавият тарғиботчиси ҳамдир. Маънавият тарғиботчининг, энг аввало, маънавияти юксак бўлиши керак. Шу боис мазкур йўналишдаги дастлабки ишларни соҳа ҳодимлари маданияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратиш зарур.

Ушбу йўналишдаги ишлар доирасида яқинда уюшма қошида кутубхона ва ўқув бурчанини ўз ичига олган маънавият хонаси ташкил этдик. Ушбу зиё масканимиздан бадий ва илмий адабиётлар, журналистика соҳасида ўзига хос мактаб яратган устоз журналистлар ҳаёти ва фаолияти, қолаверса, ҳамкорларимиз — халқроқ медиа ташкилотлар иш услубларига оид қўлланмалар ўрин олган. Бундан ташқари, тўрт тилда нашр этиладиган ўттиздан зиёд марказий газета ва журналларнинг ҳар бир сони тахмиллари ҳамда уларнинг электрон вариантлари билан танишиш мумкин.

Шунингдек, уюшма қошида маънавий-маърифий кенгаш ташкил этишни режалаштиряёلمиз. Уюшма бошқаруви аъзолари, қўллаб-қувватлаш бўлими билан ҳам йўлга қўйиш тақлифини билдирди.

Битта ноҳолис ахборот бугунги кунда жамиятга қанчалик маънавий зарар етказиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ана шундай ҳолатларни назарда тут-

ган ҳолда, ноҳолис хабар тарқатиш, соҳамизга доир қонун, фармон ва қарорлар, шунингдек, Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси қоидалари бузилишининг олдини олиш, сўз ва матбуот эркинлигини тўғри фойдаланишга қаратилган фаолиятимизни жонлантириш бўйича режа тайёрланаёпти.

Айни пайтда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини кенг ёритишга қўмаклашиш, ушбу йўналиш бўйича самарали ижод қилаётган журналист ва блогерларни рағбатлантириш, уларга тақлиф ва тавсиялар бериш, фаолиятини таҳлил қилиш, ўзаро ҳамкорликда медиатурлар ташкил этиш бўйича келишувга эришиш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Маданият вазирлиги масъуллари билан музокаралар олиб бораёلمиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувида уюшмамизга ҳомий сифатида Республика товар-хонашў бижаси бириктирилган, икки ташкилот ўрта-сида “Дўстлар клуби” тузилган эди. Шундан буён ҳар йилнинг бошида клуб ҳамкорлигида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади, ҳамраислар томонидан тасдиқланганда сўнг йил давомида шу асосда иш олиб борилади. Ўтган йилги “Йўл харитаси”га биноан 150 нафардан зиёд эҳтиёжманд ва фахрий журналистларга, бир қанча бемор ҳамкасбларимизга моддий ёрдам кўрсатилди. Уюшма моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, яқинда иш бошлаган маънавият хонасини жиҳозлашга маблағ йўналтирилди.

Ўтган йили “Дўстлар клуби” тадбирларида икки юз нафарга яқин журналист ва блогерлар рағбатлантирилди. Нашрдан чиқиш арасида турган “Умид ёғуси” номли китоб молиялаштирилди. “Ёш юраклар сароси” сериясида чоп этишга тайёрланган ушбу тўппамга юртимизнинг барча ҳудудидан олтимиз нафарга яқин истеъдодли ёш журналистларнинг энг сара мақолалари киритилган. Бу борадаги ишларимиз жорий йилда ҳам давом этади.

Андижон, Тошкент, Сирдарё ва Навоий вилоятларида амалга оширилаётган ислохотлар самараси, бунёдкорлик жараёнида, аҳолига қўлайлик яратиш, одамларни рози қилиш учун қилинаётган кенг қўлмалли ишлар билан марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари яқиндан таништириш мақсадида уюштирилган медиатур харажатларининг муайян қисми ҳам “Дўстлар клуби” ҳисобидан қопланди. Яқин кунлар ичида клубнинг жорий йилги иш режаси тасдиқланади.

Ўтган йили уюшма аъзоларига тақдим этиладиган билет ҳамда қўқрак нишонининг янги намунаси тайёрланди. Айни пайтда ана шу билет ва қўқрак нишонлари ўз эгаларига тақдим қилинмоқда.

Ўтган бир ойдан ошикроқ вақт мобайнида уюшма марказий аппарати ҳамда вилоятлардаги бўлимларига юз нафарга яқин журналистлардан аъзоликка қабул бўйича аризалар қилиб тушган. Улар тегишли тартибда рўйхатга олинган, айни кунда топширилган ҳужжатлар ўрганилмоқда.

ФЕСТИВАЛЬ

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Наманган вилоятида 1 миллион 448 минг нафар аёл бор, уларнинг 539 минг нафари 30 ёшдан ошган. Ўрганишлар натижасида маълум бўлишича, қарийб 37 минг нафар хотин-қиз “Аёллар дафтери”га киритилган. Хотин-қизлар саломатлиги соғлом ва баркамол авлод қафолати демакдир.



АЁЛ ДУНЁ БЕЗАГИ, МЕҲР-МУҲАББАТ РАМЗИ!

Наманганда мазкур шиор остида аёллар фестивали ўтказилди

Бадантарбия билан мунтазам шуғулланган опа-сингилларимиз янада гўзал, руҳан тетик бўлади. Фестиваль эрта тонгда вилоят марказининг Давлатобод туманидаги “Ёш куч” стадионида “Спортни сев, спорт билан яша!” шиори остида бошланди.

Фестиваль доирасида “Қизил ярим ой” жамияти вилоят бўлими томонидан 40 та “Дамас”дан иборат автомобиль қарвони тайёрланди. Наманган шаҳри ва Давлатобод туманидаги 40 та маҳалланинг 200 та хонадонига автоқаровондаги санитария-гигиена воситалари, “тиббиёт кўти”лари ва 500 минг сўмдан нақд пул улашилди.

Сўнгра Наманган шаҳридаги 8 та умумтаълим мактабида хотин-қизлар учун тиббий қўриқлар йўлга қўйилди. Хусусан, 15-умумтаълим мактабида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун барча нарсаси тахт қилинди. Бугина эмас, вилоят даволаш-профилактика муассасаларининг салоҳияти ҳам мактаб ҳолисига ҳо бўлди. Мобил поликлиника, қўма рентген қўрилмаси, ультратовуш текшируви, лаборатория ва ЭКГ хизматлари ташриф буюрувчиларга сифатли хизмат қўрсатди. Мактаб спорт зали поликлиника тусини олди. Ўнлаб тор соҳа мутахассислари — акушер-гинеколог, жарроҳ, эндокринолог, кардиолог, оториноларинголог, невропатолог, окулист, онколог, ревматолог, гематологлар қабулига юзлаб аёллар навбатга туришди. Оналар фарзандларини ҳам бошлаб келишди.

Шундай тиббий қўрик 41-умумтаълим мактабида ҳам намунали ўтказилди, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Низомиддин Отамирзаев. — Ҳар бир аёлнинг саломатлиги синчковлик билан ўрганиб чиқилди. Касаллиги аниқланган хотин-қизлар алоҳида рўйхатга олинди. Чунки вилоятдаги бир қатор наодонат тиббиёт муассасалари уларни бепул даволашга қарор қилишди.

Фестивалнинг тиббиёт билан боғлиқ йўналишида нафақат вилоят шифокорлари, балки пойтахтдан

Унда 117 та йирик ишлаб чиқариш корхонаси ва 51 та муассаса вакиллари ўзларида мавжуд бўлган 4477 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирда тикувчилик касбига ўқиб, сертификат олган, ярмарка доирасида “Тикувчи аёллар” кооперативига ишга кирган 110 нафар аёлга субсидия ва 14 фоизли имтиёзли кредит асосида тикув машиналари тақдим этилди. Уларга уй шароитида даромад топишлари учун хом ашё ва материаллар етказиб берилди.

Ярмаркада “Наманган пахта текс” МЧЖга 105 нафар, “Наманган тўқимачи” МЧЖга 42 нафар, “Айма групп” МЧЖга 49 нафар, “Тикувчи аёллар” кооперативига 110 нафар, маҳалла меҳнат инспектори лавозимига 104 нафар, Аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази шаҳар бўлимига 3 нафар ва давлат муассасаларига 32 нафар, жами 445 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

— Наманган шаҳрининг “Пола” маҳалласи ҳудудидаги кўп қаватли 56-ўйда уч ҳўжалик истиқомат қиламиз, — дейди фуқаро Рислиқой Мамажонов. Кам таъминланган ва “Аёллар дафтери” рўйхатига турамиз. Ҳўжайиним ишламайдиган, пенсияда. Келиним Ҳуришда Исроилова билан кооперативга аъзо бўлиб, икки ой қатнаб тиқиш, тўқиниш ўргандик. Тўғриси, тикичи-тўқиниш умуман билимсиз, мана, энди чеварлиқни кўнглидагидек урдалаямиз. Қаранг, бизга ҳам касб ўргатишди, ҳам стипендия беришди, ҳам имтиёзли кредитга тикув-тўқув машинасини тантанали топиширди, ҳам “Нилуфар текстил групп” корхонасига ишга олишди, “стаж” ҳам ёзиларкан. Бемалол хонадонимизда сифатли сочиқ тўқиб, пул топишмизи мумкин.

Аёллар фестивали доирасида иштирокчилар “Наманган пахта текс” корхонасига ташриф буюрди. “Шишаки”, “Юқори Ровустон”, “Қўйи Ровустон”, “Бор”, “Ирвадон” маҳалла фуқаролар йиғинларидан 350 нафардан зиёд ишсиз аёлга 302 та бўш ўрин тақдир этилди. Кўннинг биринчи қайрамағи 152 нафар хотин-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди.

“Шаршара” маҳалласи ҳудудидаги 43-умумтаълим



амалий қўмакка келган таниқли тиббиёт мутахассислари ҳам фаолият кўрсатишди.

Йирик ва турли йўналишларни қамраган фестиваль Наманган шаҳрининг Ўйчи кўчасида жойлашган мусика ва санъат мактабида саҳоват тадбири билан давом этди. Унда “Аёллар дафтери”га кирган 200 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамюртларимиз ва “Меҳр-3” операцияси орқали мамлакатга қайтариб олиб келинган, оғир аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга 10 та ногиронлиқ арачаси, 10 та музлаттич, 50 та микротўқилчи печь, 50 та қанноттич ва 70 та тикув машинаси топширилди. Қолаверса, 5 нафар аёлнинг уйи бепул таъмирлаб ва яна 5 нафар аёлнинг бир йиллик ижара пули тўлаб берилди. Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган 10 нафар қизнинг бир йиллик тўлов-шартномаси учун 35 миллион сўм, техникум талабалари бўлган 15 нафар қизнинг йиллик тўлов-шартномаси учун эса 63 миллион сўм, жами 98 миллион сўм ажратилди.

— Аёлларимизга қанча кўп эътибор берсак, шунча кам. Биз уларнинг муаммо ва ташвишлари, эҳтиёжларини уйма-уй юриб аниқлаяёмиз. Бугунги тадбирни ҳам мана шу ўрганишлар натижаси сифатида қабул қилиш мумкин, — дея таъкидлади вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов.

Вилоятнинг “Ёшлар маркази” фестивалнинг модалар намойишига меҳмонлик қилди. Унда наманганлик истеъдодли дизайнёрларнинг аёлларга атаб махсус яратган миллий ва замонавий либослари оммага қўз-қўзланди. Ранг-баранг ва жозибали тақиндаги уст-бошлар иштирокчиларнинг олқишларига сабаб бўлди. Бундан ташқари, хотин-қизлар учун шаҳарда ибратли иш юритган ва номдор ўқув марказлари, тикувчи, хунарманд ва қандолатчиларнинг махсус топташ кўрғазмаси ҳам уюштирилди. Вилоят ҳокими ўқув маркази раҳбарларига “Аёллар дафтери”га кирган хотин-қизларга касб-хунар ўргатишлари учун 5 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача бўлган сертификатларни топширди. Натижада ижтимоий ҳимояга муҳтож аёллар ушбу ўқув марказларида бепул касб-хунар эгаллаш имкониятини қўлга киритишди.

“Тинчлик стелласи” майдонида аёллар ва ёшлар дафтерига киритилган ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил-лаштирилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси фестивалнинг қизинг жараёнидан бири бўлди.

мактабида “Бир тадбиркорга — бир шогирд” мавзусида семинар ўтказилгани ҳам уша атрофдаги тадбиркорлик ва хунармандчилик соҳасига қизиққан хотин-қизларга айни мuddао бўлди. Давлатобод туманининг “Тулшан” маҳалласидаги Шамил Ишметов хонадонидан ташкиллаштирилган балиқчилик, паррандачилик, беданачилик йўналиши бўйича қўрғазмили семинар “Тулшан”, “Нуробод”, “Наврўз” маҳаллаларидан келган 200 нафар аёл бандлигини таъминлаш учун омилдир. Наманган шаҳар ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулхумор Тўраҳўжаеванинг сўзларига қўра, юқори савияда, байрамга айланган кетган шу кунги тадбирга “Аёллар дафтери”даги 3124 нафар шаҳарлик ишсиз аёл қорланган.

Чека ҳудудлардаги маҳаллаларда яшовчи, бола парвариши билан машғул аёллар маънавиятининг юксалтириш учун “Библиобус” — қўчма автокутубхона фаолияти йўлга қўйилди. “Ўзи юрар” кутубхонадан 1000 та китоб ўрин олган, келгусида ҳам кўрсаткич 5000 га етказилди. Нодирабегим номдаги вилоят ахборот-кутубхона марказида адабиятга хавасманд хотин-қизлар ўртасида бўлган шеърхонлик, газалхонлик кечаларида савимий, жўшқонлик уфудори. Маҳаллаларда ўтказилган китобхонлик танловининг 5 та йўналиши бўйича ғолиб чиққан опа-сингилларимизга вилоят ҳокимлигининг, Республика маънавият ва маърифат марказининг совғалари — китоблар жамланмиси туҳфа қилинди. Шоирлар Зиёвуддин Мансур, Дилором Эргашева, Ўқтаймо Холдорова, Носир Аббос билан учрашувдан кейин уларнинг ўз қўлларидан шеърй муаллифлик китобларини қабул қилиб олишди.

Давлатобод туманидаги вилоят маданият саройида гала-концерт фестивалнинг энг завқли ва унутилмас лаҳзаларига айланди. Унда Ўзбекистон халқ артистлари Зулайхо Боёнова, Абдуҳомид Исмоили, эл сўйган актриса Зухра Ашурова, вилоятнинг таниқли санъаткорлари ва ижрочи ёшлари ўз концерт дастурларини намойиш этди.

Фестиваль Наманган шаҳрида янги очилган “Ёшлар медиа маркази”да вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Иродахон Қўқорова иштирокида матбуот анжумани билан няхосига етди. Журналист ва блогерларнинг фестиваль юзасидан саволларига батафсил жавоб берилди, ўринли тақлифлар инобатга олиниши маълум қилинди.

